
Мактабгача таълим ташкилоти педагоглари аънавий август кенгаши ўтказилди

Марғилон шаҳар мактабгача таълим бўлими томонидан шаҳардаги Педагогика коллежида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида аънавий август кенгашининг ялпи йиғилиши бўлиб ўтди.

“Замонавий усуллар орқали мактабгача таълим сифатини таъминлаш” мавзусида ташкил этилган анжуманни шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов ҳамда вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Юлдузхон Ходжаевалар кириш сўзи билан очиб, шаҳарда мактабгача таълим тизимида амалга оширилган улкан ислохотлар натижасида эришилган ютуқларни алоҳида эътироф этдилар ва янги ўқув йилида мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш борасида барча мактабгача таълим соҳасидаги ходимларга муваффақиятлар тилашди.

Шундан сўнг мактабгача таълим тизимини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшаётган Давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасалари тadbиркорлари ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилот раҳбарлари, педагог тарбиячиларига эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

Август конференцияси давомида ташкилотларда тарбияланаётган болажонлар томонидан байрам дастурлари намойиш этилди.

Шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-08-26 16:57:30